



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2024 йил — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 1 ноябрь, № 224 (8847)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР ВА МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖИГА ЯНГИЧА СУРЪАТ БАҒИШЛАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 31 октябрь куни Навоий вилоятига ташриф буюрди.



Бу ҳудуд ривожланган индустрияси билан мамлакатимиз иқтисодиётида катта ўрин тутди. Иқтисодий ва инвестициявий имкониятлар тўғрисида сўзлашганда янги корхоналар кўпайиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Навоий шаҳридаги “Uzbekistan hydrogen peroxide” қўшма корхонаси фаолияти билан танишди.

Вилоятдаги корхоналарга водород пероксиди доим зарур. Умуман, юртимиз саноат тармоқларида бу кимёвий бирикмага йиллик талаб ўртача 15 минг тоннадан зиёд. Жорий йилда ўз фаолиятини бошлаган “Uzbekistan hydrogen peroxide” қўшма корхонасида шундай талабгир маҳсулот ишлаб чиқарилади.

Қиймати қарийб 30 миллион доллар бўлган лойиҳа доирасида завод

қурилиб, Хитой, Ҳиндистон, Туркия, Германия, Италия ва Швециядан замонавий ускуналар келтирилиб ўрнатилди. 80 га яқин кишилар иш билан таъминланди. Корхона йилига 30 минг тонна водород пероксиди ишлаб чиқариш қувватига эга.

Бу бирикмадан кимё, металлургия, электр техникаси, фармацевтика, тўқимачилик, озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги

каби ўнга яқин тармоқларда фойдаланилади. Жумладан, қоғоз, маиший ва кимёвий воситалар ишлаб чиқариш, уран ва кобальт маҳсулотлари қазиб олишда фаол қўлланилади. Қадокларни тозаловчи, сунъий ва синтетик толлаларни оқартирувчи восита сифатида ишлатилади.

Асосийси, иқтисодий самарадорлик юқори. Бу ерда табиий газ чуқур қайта ишланиб, бозорбоп маҳсулотга айлантирилади. Мисол учун, 60 фоизли водород пероксиди тиббиётда уч баробар, маиший кимё воситаларида икки баробар қўшилган қиймат яратди.

Корхона лабораториясига ҳам энг сўнгги русумдаги жиҳозлар ўрнатилган. Унда ҳар соатда таҳлил ўтказилади. Бу маҳсулот сифатини доимий назорат қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Давлатимиз раҳбари корхонадаги иш жараёнини кўздан кечирди, мутахассислар билан суҳбатлашди.

— Ҳар бир лойиҳадан мақсад — юқори даромад, қўшилган қиймат. Бу корхона шу жиҳатдан маъқул. Энди ишлаб чиқариш барқарорлиги, харидорлар ишончи учун бунини кафолатланган хомашё билан таъминлаш керак. Маҳаллийлаштириш дастури асосида қулай шартларда кредит ажратиш ҳам мумкин, — деди Шавкат Мирзиёев.

Мутасаддиларга бу корхона мисолида шундай лойиҳаларни қўлайтириш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўйича топшириқлар берилди.

Водород пероксиди шу пайтгача Ўзбекистонга катта харажатлар билан фақат чет элдан олиб келинар эди. Энди эса маҳаллий маҳсулот ички эҳтиёжни тўлиқ қоплаб, импорт ўрнини

тўлдиради. Шу билан бирга, яқин минтақада бундай корхона йўқ. Шу боис маҳсулот МДҲ ва Европа мамлакатларига ҳам етказиб берилмоқда. Қисқа вақтда қарийб 1,5 миллион долларлик экспорт қилинган. Корхонанинг йиллик экспорт салоҳияти 10 миллион доллар.

Бу суюқ кимёвий маҳсулотларини сақлаш ва етказиб бериш учун шу ернинг ўзига пластик қуйма идишлар тайёрлаш йўлга қўйилган. Корхонани мукобил энергия билан таъминлаш мақсадида қуввати 27 киловатт бўлган қўш панеллари ўрнатилган.

Яна бир эътиборли жиҳати, илгари мамлакатимиз кимё соҳасида хусусий сектор бўлмаган. Бу корхона сўнгги йилларда соҳага кириб келган тадбиркорлик субъектларидан бири.

Шу ерда корхона фаолиятини янада кенгайтиришга қаратилган лойиҳалар ҳақида ҳам маълумот берилди.

Хусусан, Туркиянинг “Orbak Metal Industry” компанияси билан гидроген пероксиди ишлаб чиқариш қувватини 45 минг тоннага ошириш, шунингдек, туташ ҳудудда озиқ-овқат саноати лойиҳасини ташкил этиш режалаштирилган.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари Кармана туманида барпо этилаётган кимёвий маҳсулотлар технопаркини бориб кўрди.

Навоий вилоятида кимё саноати ривожланган. Ҳудудда минерал ресурслар кўп, тармоқ инфратузилмаси ва кадрлар салоҳияти яхши. Бундан фойдаланиб истиқболли корхоналар ташкил этиш учун эса мамлакатимизда қулай инвестиция муҳити ва тадбиркорларга шароит бор.

Шу негизда хитойлик ишбилармонлар томонидан “Zarafshon industrial technology” номи остида кимё технопарки барпо этилмоқда.

Маъмур мажмуа учун 130 гектар ер майдони ажратилган. Бу ерда умумий қиймати 1 миллиард доллардан ортиқ бўлган 18 та лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилган.

Ҳозиргача уларнинг иккитаси — 40 минг тонна олеум, 170 минг тонна сульфат кислотаси олиш лойиҳалари ишга туширилди.

Эътиборлиси, сульфат кислотаси ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўладиган иссиқликдан унумли фойдаланиш мақсадида 1,4 мегаватт қувватга эга буғ-газ қурилмалари энергоблок қурилган. Бу корхона ўзини ўзи тўлиқ электр энергияси билан таъминлаш имконини беради.

Айни пайтда корхона томонидан 330 минг тонна сульфат кислотаси ишлаб чиқариш ҳамда технологик жараёнда ҳосил бўладиган иссиқликдан 15 МВт қувватга эга буғ-газ қурилмалари энергоблок қуриб битказилган.

Давлатимиз раҳбарига технопаркда амалга ошириладиган янги лойиҳалар ҳақида маълумот берилди. Хусусан, қиймати 150 миллион долларлик 1 миллион тонна сульфат кислотаси, 120 миллион долларлик 50 минг тонна каустик сода ҳамда 135 миллион долларлик 100 минг тонна фталоцианин (тўқимачилик бўёғи) ишлаб чиқариш корхоналари қурилиши бошланган.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

«ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИГА

Қадри дўстлар!

Авалло, сиз, азизларни — Олмалик кон-металлургия комбинатининг кўп миллатли аҳил жамоасини Ўзбекистон саноатининг фахри бўлган ушбу йирик ишлаб чиқариш мажмуаси ташкил этилганининг 75 йиллиги билан чин қалбимдан самимий табриқлайман.

Ўзининг шонли аъёналари билан дунё микёсида шуқрат қозонган бу кўп тармоқли комбинат сизлар каби юксак малакали кончи ва мутахассислар, ишчи ва хизматчиларнинг фидокорона меҳнати билан республикамизнинг иқтисодий қудрати ва халқимиз фаровонлигини оширишга улкан ҳисса қўшиб келмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиётида мавжуд хомашё захираларидан самарали фойдаланиш ва илгор технологияларга асосланган миллий саноатини ривожлантиришдек устувор вазифани адо этиш мақсадида кейинги йилларда бу ерда кенг миқёсдаги модернизация ишлари амалга оширилмоқда.

Бу ҳақда гапирганда, “Калмоққир”, “Ангрен”, “Чодак”, “Хонжиза” майдонлари ва янги очилган “Ёшлик — 1” конидаги хомашёни чуқур қайта иш-

лайдиган 6 та корхона ва 5 та бойитиш фабрикаси, мис эритиш ва рух заводлари ҳамда бошқа ишлаб чиқариш инфратузилмалари барпо этилганини қайда этиш лозим.

Ана шундай муҳим ўзгаришлар тўғрисида комбинат мис ишлаб чиқариш бўйича дунёдаги ўттизта энг йирик мажмуа қаторидан муносиб ўрин олгани барчамизни албатта мамнун этади.

Бугунги кунда бу ерда йилига 60 миллион тонна маъданни қайта ишлайдиган 3-мис бойитиш фабрикаси қурилиши якунига етказилмоқда. Яқинда Олмаликда бўлиб сизлар билан биргаликда ана шундай қувватга эга бўладиган 4-мис бойитиш фабрикаси қурилишини бошлаганимиз ҳам алоҳида эътиборга лойик. Ушбу фабрикалар ишга тушиши билан комбинат бўйича йилига 160 миллион тонна хомашёни қайта ишлаш имкони пайдо бўлади. Айтиш кераки, бу — Ўзбекистон саноати тарихидаги мислиси натижадир.

Саноатнинг драйвер соҳаларини ривожлантириш ва ҳудудлар салоҳиятини тўлиқ ишга солишга қаратилган жадал ва тизимли ишларимиз тўғрисида комбинатда Тошкент вилояти

аҳолиси учун минглаб янги иш ўринлари яратилиши диққатга сазовордир. Азиз ордодлар!

Маълумки, биз табиий бойликларни ўзлаштириш учун йирик инвестицияларни жалб этиш, саноат соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш масаласига устувор аҳамият бермоқдамиз.

Шу мақсадда комбинат таркибига ташкил этилган, дунёдаги илгор тадбирлар, жумладан, дуал таълим дастурларига мувофиқ фаолият юритаётган Мухандислик мактабига биз катта ишонч билан қараймиз. Шунингдек, Олмаликдаги Тошкент давлат техника университети ҳамда Москва пўлат ва қотишмалар институти филиаллари ҳам бу борада олдимизда турган вазифаларни бажаришга катта ҳисса қўшаётганини таъкидлаш лозим. Биз ушбу олийгоҳларнинг моддий-техник ва ўқув-методик базасини мустаҳкамлаш ишларини давом эттирамиз.

Инсон кадрини улуғлаш, унинг ҳаётини манфаатларини таъминлаш учун комбинат ишчи ва хизматчиларининг машаққатли меҳнатини рағбатлантириш, уларнинг иш ва дам олиш шароитларини яхшилашга жи-

дий эътибор қаратилмоқда. Келгусида бу йўналишдаги ишларимиз албатта янги босқичга кўтариллади.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги байрам муносабати билан Ватанимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлган мажмуанинг бир гуруҳ ишчи-хизматчиларини чин дилдан табриқлаб, келгуси ишларида янги муваффақиятлар тилайман.

Хурматли байрам иштирокчилари! Глобал ишлаб чиқаришнинг муҳим ва ажралмас бўғинига айланган, кучли иқтисодиётга эга бўлган Янги Ўзбекистон давлатини барпо этишда Олмалик кон-металлургия комбинати каби етакчи саноат корхоналарининг бекиёси ўрни ва аҳамиятини мустаҳкамлашда сизларга янгидан-янги зафарлар тилайман.

Барчамиз учун қадри, шонли тарих ва ёруғ келахакка эга бўлган комбинат ҳаётидаги бугунги кўтулган сана билан сизларни яна бир бор муборакбод этиб, барчангизга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт, меҳнат фаолиятингизда омад ва муваффақият тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

«Меҳнат шухрати» ордени билан

Масалиев Нуриддин Колдашевич — «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Ангрен кон бошқармаси «Кўчбулок» шахтаси «Семгурон» ер ости участкаси бошлиғи

Тўляганов Бахриддин Нишанбаевич — «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Мис эритиш заводи технологик жараёнларини бошқариш тизимларини автоматлаштириш хизмати бошлиғи

«Дўстлик» ордени билан

Абдуллаев Закиржан Абдуханович — «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Шахта қурилиш бошқармаси бошлиғи
Дергунов Александр Васильевич — «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Электр тармоқлари бошқармаси эксплуатация участкаси катта устаси
Сеитов Осман Аблаевич — «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Рух заводи электролит цехи бошлиғи

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И НАВОЙ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бугунги кунда Навоий вилоятида иқтисодиёт тармоқларининг ўсиш суръатлари ҳамда ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидан келиб чиқиб, аниқ ва табиий фанлар, ахборот технологиялари, иқтисодиёт, туризм, қишлоқ хўжалиги каби соҳалар бўйича юқори малакали кадрларга эҳтиёж ортиб бормоқда.

Бу борада ҳудуднинг имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш, республикада амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар, ижтимоий ва иқтисодий соҳалардаги янгиланишларда олий таълим ташкилотларининг фаол иштирокчини таъминлаш ҳамда Навоий вилояти аҳолиси, аввало, ёшларининг талаб ва истакларини ҳисобга олиб, улар учун янада кенг имконият ва шароитлар яратиш мақсадида:

1. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Навоий вилояти ҳокимлигининг Навоий давлат педагогика институ-

ти негизига **Навоий давлат университети** (кейинги ўринларда — Университет) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Қўйидагилар Университетнинг **асосий вазифалари** ва **фаолият йўналишлари** этиб белгилансин:

ҳудудда соҳа ва тармоқларнинг ривожланиш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда замонавий билим ва малакага эга бўлган илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича улғусиз таълим тизимини яратиш;

замонавий ўқув, илмий ва IT-лаборатория базасини яратиш, ушбу лабораторияларни илгор технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ҳамда илмий-инновацион тадқиқотлар трансферини амалга ошириш;

(Давоми 2-бетда).



Марказий сайлов комиссиясида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг янги сайланган депутатлари рўйхатга олинди

2024 йил 27 октябрь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига сайловнинг ўзига хос жиҳатларидан бири — сайловчиларнинг фуқаролик масъулияти ва дахлдорлик тўғрисидаги янада ошгани билан боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловларда жами 15 млн. 27 минг 529 нафар сайловчи овоз берди. Бу сайловчилар умумий сонининг 74,72 фоизини ташкил этади.

Фуқароларимизнинг Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлигига сайловлар жараёнига қизиқишининг сезиларли даражада ошгани барча босқичи очиклик, ошкоралик ва шаффофлик асосида ўтказилган сайловларга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказишда аққол сезилди.

Шунингдек, парламент сайловида

аралаш сайлов тизимининг жорий этилиши сиёсий партиялар ўртасидаги рақобатни кучайтириб, жамиятимиздаги демократик муҳитга янги қувват бағишлагани сайловолди ташвиқоти давомида тўла намоён бўлди.

Марказий сайлов комиссиясининг жорий йил 31 октябрь куни бўлиб ўтган мажлисида Сайлов кодексига мувофиқ парламент қўйи палатасига сайлов якунлари қўриб чиқилди ва бир мандатли сайлов округларидан сайланган 75 нафар ҳамда ягона сайлов округидан партия рўйхати асосида сайланган 75 нафар, жами 150 нафар депутат рўйхатга олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

«ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ»
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ 75 ЙИЛЛИГИ
МУНОСАБАТИ БИЛАН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
ИЛГОРЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ
МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Соломко Наталья Григорьевна — «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг техник бўлими полиметалл маъданларни бойитиш бўйича муҳандис-технолог

Урунқулов Абдикул Абдисаматович — «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Технологик транспорт бошқармаси бульдозер машинисти

Хужамуратов Ботир Равшанович — «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг «Хонжиза» кон бошқармаси директори

«Шухрат» медали билан

Айнакулова Шоира Абдусматовна — «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Иссиқлик электр маркази қозон-турбина цехи ёқилги узатиш машинисти

Алдияров Хайрулла Маматалиевич — «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг «Қалмоққир» кон бошқармаси марказий карьери экскаватор машинисти

Арсланов Абдунаби Курбанович — «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Технологик транспорт бошқармаси «БелАЗ» ҳайдовчиси

Аскарлов Бахром Мусурманович — «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Мис эритиш заводи олтин ва қумушни афйнажлаш цехи бошлиғи

Атабаев Нурали Холжуманович — «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Саноат темир йўл транспорти бошқармаси локомотив бригадаси йўриқчи-машинисти

Ахунов Наиль Рафисович — «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Ишлаб чиқаришни автомат-лаштириш бошқармаси техник хизмат кўрсатиш бўлими бошлиғи

Бекбутаева Наргиза Нургалиевна — «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг илм-фан ва инновациялар бўлими етакчи муҳандиси

Боймирзаев Муминжон Ёрмухаматович — «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг «Чодак» кон бошқармаси «Гузақсой» шахтаси тоғ ўтувчиси

Ишанходжаев Зокирхужа Каримджанович — «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Тоғ-кон транспорт комплекси ва инфратузилма объектларини қуриш бўйича дирекцияси директори

Кодиров Лазиз Эргашевич — «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Металлургия мажмуаси объектларини қуриш дирекция-си бош муҳандиси ўринбосари

Косимов Зоҳид Ғофурович — «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Мис бойитиш фабрикаси чикиндиларни тўплаш цехи бошлиғи

Полванов Муроджон Абдумансурович — «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг «Ковулди» кони ер ости участкаси лаҳим ўтувчиси

Саматов Абдумажит Эргашевич — «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Марказий таъмирлаш-механика заводи кимёвий химоя участкаси бошлиғи

Тангирова Шарифа Гуламовна — «Олмалик кон-металлургия комбинати» акциядорлик жамиятининг Техник назорат хизмати рангли металлургия маҳсулотла-ри назоратчиси

Ўзбекистон Республикаси		
Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ	
Тошкент шаҳри, 2024 йил 31 октябрь		

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р И

НАВОИЙ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

талабаларни илмий-инновацион фаолиятга кенг жалб этиш, ижтимоий-иқтисодий соҳаларни ривожлантиришнинг долзарб йўналишлари бўйича илмий лойиҳаларни амалга ошириш, уларнинг натижаларини жорий этиш юзасидан илмий ва амалий тақлифлар ишлаб чиқиш;

ўқув жараёнига халқаро таълим стандартлари, илгор таълим технологиялари ва усуллариин жорий этиш, шунингдек, **талабаларда мустақил таълим олиш, тизимли таҳлил қилиш, ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантириш**;

етакчи хорижий олий таълим ташкилотлари билан академик ва илмий ҳамкорликни ривожлантириш, профессор-ўқитувчиларнинг **хорижий илмий-амалий стажировкасини** тизимли йўлга қўйиш;

талаба-ёшларда **маънавий ва ахлоқий фазилатларни** ривожлантириш, **Ватанга муҳаббат**, унинг тақдирига **дахлдорлик, касбга садоқат** хиссини мустаҳкамлаш, таълим-тарбия жараёни ҳамда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

а) Навоий давлат педагогика институтида таҳсил олаётган барча талабалар ўқишларини Университетда давом эттирадиги ҳамда **2024/2025 ўқув йилидан** бошлаб битирувчи курс талабаларига Университет дипломи берилади;

б) Университет Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига идоравий жиҳатдан бўйсунди ҳамда Навоий давлат педагогика институтининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий во-рисиси ҳисобланади;

в) Университетда **2025/2026 ўқув йилидан** бошлаб:

худудий ривожланиш дастурларига мувофиқ эҳтиёж юқори бўлган **аниқ ва табиий фанлар, ахборот технологиялари, сунъий интеллект, иқтисодиёт, бизнес ва туризм, инвестицияларни бошқариш, қишлоқ хўжалиги, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси, логистика** каби йўналишлар бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилади;

дарс машғулотларини амалиёт билан бирга ташкил этиш мақсадида тегишли йўналишлар бўйича таълим жараёни **дуал таълим шаклида** йўлга қўйилиб, корхона ва ташкилотларда **кафедра филиаллари** ташкил этилади ҳамда таълим жараёнига узоқ йил-лик меҳнат тажрибасига эга амалиётчи мутахассис-лар жалб этилади;

янги ташкил этилган таълим йўналишлари ва му-тахассисликлар бўйича хорижий давлатлар ва рес-публикадаги **етакчи олий таълим ташкилотлари** билан **иккита диплом** беришга асосланган **қўшма таълим дастурлари** йўлга қўйилади;

алоҳида гуруҳларда бакалаврият ва магистратура босқичларида таълим жараёни хорижий тилларда ташкил этилади ҳамда таълим дастурлари бос-қичма-босқич халқаро аккредитациядан ўтказишга тайёрланади.

4. Қуйидагилар:

2024 — 2027 йилларда Навоий давлат универси-тетини **комплекс ривожлантириш дастури** 1-ило-вага мувофиқ;

2026 — 2030 йилларда Навоий давлат универси-тетининг **ўқув ва илмий лабораториялари мод-дий-техника базасини яратиш дастури** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Белгилансинки, 2025 йил 1 январдан бошлаб Университетга академик, ташкилий-бошқарув ва мо-лиявий мустақиллик берилади. Бунда Ўзбекистон Рес-публикаси Президентининг 2021 йил 24 декабрдаги "Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўй-ча қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-60-сон ҳамда "Давлат олий таълим муассасаларига молия-вий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғриси-да"ги ПҚ-61-сон қарорларида белгиланган тартиб-лар Университетга татбиқ этилади.

6. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги "Таълим соҳасидаги лойиҳалар маркази" лойиҳа офи-си билан биргаликда икки ой муддатда Университет фаолиятини такомиллаштириш ва таълим сифатини таъминлаш мақсадида хорижий экспертлари жалб қилган ҳолда Университетда **Трансформация мар-казини** ташкил этсин.

Трансформация маркази қуйидаги масалалар юза-сидан масъул этиб белгилансин:

Университетнинг таълим дастурларини **халқаро таълим стандартларига мувофиқлаштириш**;

Университетнинг дунёнинг энг нуфузли **олий таъ-лим ташкилотлари рейтингига** киритиш чора-тад-бирларини ишлаб чиқиш ва ижросини ташкил этиш;

Университет таълим дастурларини **халқаро аккредитациядан ўтказиш** ҳамда Университет дип-ломларининг хорижда тан олинishiга эришиш;

таълим хизматларини кўрсатиш самарадорлигини ошириш мақсадида Университет ўқув-услубий бўлин-ма ҳамда деканатлар шаттларини мақбуллаштириш ҳисобидан **Регистратор офиси фаолиятини йўлга қўйиш**;

Университетнинг таълим, тадқиқот ва ахборот-ку-тубхона фаолиятларини ҳамда бошқарув жараёнла-рини **тўлиқ рақамлаштириш**.

7. Навоий вилояти ҳокимлиги:

Университет талабаларининг малакавий амалиёт-лари ҳудудда жойлашган йирик корхона ва ташки-лотларда ташкил этилишини таъминласин;

Университет мутахассислик кафедраларининг мос йўналишлари бўйича маҳаллий ва хорижий корхона-лар билан ҳамкорлигини йўлга қўйишга қўмаклаш-син;

маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан ҳудудда жойлашган олий таълим ташкилотлари талабалари ва ёш тадқиқотчилар учун стартап лойиҳаларни мо-лиялаштиришни йўлга қўйсин. Бунда асосий йўна-лиш сифатида ҳудудда ижтимоий-иқтисодий ривож-лантириш, ёшлар бандлигини таъминлаш ҳамда им-

порт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқариш белгилансин.

8. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги:

а) Университет илмий салоҳиятини ошириб бориш чорасини кўрсин ҳамда унинг халқаро ҳамкорлигини йўлга қўйишда, хусусан, етакчи хорижий олий таъ-лим ташкилотлари билан қўшма таълим ва халқаро алмашинув дастурларини жорий этиш, хорижлик етак-чи профессор-ўқитувчиларни Университетнинг таъ-лим ва илмий тадқиқот жараёнларига жалб этишга қўмаклашин;

б) **2025 йил 1 февралга қадар**: Университетда жорий этиладиган янги таълим йўналишларини ҳисобга олган ҳолда унинг тузилма-си, штат бирликлари, факультет ва кафедраларини қайта қўриб чиқсин ҳамда белгиланган тартибда тас-диқланишини таъминласин;

хорижий талабаларни жалб этиш мақсадида "Study in Uzbekistan" платформасида Университет бўлимини ташкил этсин ва уни сифатли маълумотлар билан тўлдирсин;

в) **2025 йил 1 июнга қадар** Университетда тала-баларнинг битирув малакавий ишлари ва магистрлик диссертацияларини кўирмачиликка қарши текшириш (антиплагиат) механизмини жорий этсин.

9. Белгилансинки, Университет фаолиятини молиялаштириш:

Давлат бюджети маблағлари, тўлов-контракт асо-сида ўқитишдан тушадиган маблағлар, хўжалик фео-лияти ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар, ҳомийлик хайриялари ва грант-лар ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

2024 йилда Ўзбекистон Республикасининг респуб-лика бюджетидан биринчи даражали бюджет маб-лағларини тақсимловчи сифатида Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига ажратиладиган маблағ-лар доирасида амалга оширилади, 2025 йилдан бош-лаб Давлат бюджети параметрларида назарда тути-лади.

10. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимча-лар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар ки-ритсин.

11. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб олий таъ-лим, фан ва инновациялар вазирини Қ.А.Шарипов ҳамда Навоий вилояти ҳокими Н.Т.Турсунов белгилансин.

Қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Рес-публикаси Бош вазирини А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Рес-публикаси Президенти Администрацияси Ижтимоий ривожланиш департаменти раҳбари О.К.Абдурахманов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси		
Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ	
Тошкент шаҳри, 2024 йил 31 октябрь		

ИСТИҚБОЛИ ЛОЙИҲАЛАР ВА МАЛАКАЛИ КАДРЛАР
ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖИГА ЯНГИЧА СУРЪАТ БАҒИШЛАЙДИ

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Технопаркда бошқа тармоқлар билан кооперация алоқалари самарали йўлга қўйилади. Натижада қурилиш саноа-тида 75 миллион, енгил саноатда 107 миллион, тиббиётда 38 миллион долларлик четдан келадиган маҳсулот-лар ўрни қопланади.

Технопаркда маҳаллийлаштириш айна пайтда 31 фоизини ташкил қила-ди. Лойиҳалар босқичма-босқич амал-га оширилиши натижасида бу кўрсат-кич икки баробар ортибди.

Давлатимиз раҳбари корхоналарда ишлаб чиқариш балансини таъминлаш, "off take" шартномалар қилиб, маҳ-сулотларни кафолатли сотиш зарурли-гини таъкидлади.

Бугунги кунда технопаркда 300 ки-шининг бандлиги таъминланган. Барча лойиҳалар амалга ошган, 2 мингдан зиёд иш ўринлари яратилади, антрахи-нон, каустик сода, мис хлориди, диме-тилсульфат, натрий сульфид, резорцин каби маҳсулотлар тайёрлаш ўзлашти-рилади. Технопаркнинг йиллик экспорт салоҳиятини изчил ошириб бориш режалаштирилган.

Шунингдек, керакли коммуникация тармоқлари ҳам хорижий инвестор маб-лағлари ҳисобидан қурилмоқда.

Шу ерда 2024 — 2030 йилларда "Навоийазот" акциядорлик жамияти не-гизида амалга ошириладиган лойиҳа-лар тақдимот қилинди.

Унга кўра 5 миллиард долларлик 22 та лойиҳа амалга оширилиши режа-лаштирилган. Уларда 3 мингдан зиёд янги иш ўринлари бўлади. Йилгига 2 миллиард доллардан зиёд кимё маҳ-сулотлари ишлаб чиқарилиб, асосий қисми экспортга йўналтирилади.

Президентимиз лойиҳаларда эко-логия талабларига алоҳида эътибор қаратиш, заводларни углерод оксиди-ни ҳавога кам чиқарадиган ускуналар билан жиҳозлаш бўйича кўрсатмалар берди.

Лойиҳалардан 4 таси келгуси йили фойдаланишга топширилиши мўлжал-ланган. Давлатимиз раҳбари уларнинг инвесторлари билан мулоқот қилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Навоий шахридаги саноат зонасида "Universal filter" бренди остидаги ма-ҳаллий маҳсулотларни кўздан кечирди. Бу ерда транспортлар учун ҳаво ва мой фильтрани, металлургия, нефть-газ ва кимё саноати корхоналари учун буюм-лар — жами 600 турдан ортиқ маҳ-сулотлар ишлаб чиқарилаётганлиги.

Ўз фаолиятини 2007 йилда қурилиш материаллари тармоғидан бошлаган

тадбиркор 2020 — 2023 йилларда 20 миллион долларлик лойиҳаларни амалга оширган. Бугунги кунда ун гек-тар майдонда 6 та йўналиш йўлга қўйилган. Корхоналарга Россия, Хитой, Словакия каби давлатлардан замона-вий технологиялар келтириб ўрнатилган.

Тадбиркорнинг айланма маблағи бундан етти-саккиз йил олдин атиги 1 миллиард сўм эди. Эндиликда жорий йил якунига қадар 200 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади. 250 ки-шининг доимий бандлиги таъминлан-гани эса ижтимоий муҳим жиҳат.

Давлатимиз раҳбари бу ердаги иш жараёни ва маҳсулотлар билан та-нишиди.

Мамлакатимизда атмосфера ҳавоси-га таъсири бўлган 3 мингдан зиёд са-ноат корхоналари мавжуд. Улардаги чанг-газ тозалаш ускуналарининг кўпи эскирган. Илгари бу йўналиш фақат чет элга боғланиб қолгани учун фильтрлар-ни янгиллаш йиллаб қўзилган. Энди бу соҳада ҳам импортга рақобатдош ўз маҳсулотларимиз ва хизмат кўрсатиш пайдо бўлмоқда. Жорий йилнинг тўққиз ойида юздан ортиқ корхоналарнинг чанг-газ тозалаш ускуналари янгиланди.

Бундай ишларда мазкур корхонанинг ҳам ўрни бор. Ишлаб чиқариш ҳажми йилдан-йилга ортмоқда. Маҳсулотлар маҳаллийлаштирилиши натижасида сифатли йўқотмаган ҳолда таннархни туширишга эришилмоқда.

Корхона маҳсулотлари Россия, Қозо-ғистон, Тожикистон ва Озарбайжонга ҳам жўнатишмоқда. Жорий йил якуни бўйича экспорт ҳажми 1 миллион дол-ларга етиши кутилмоқда. Келгусида бу географияни ва микдорни ошириш мақ-сад қилинган.

Шу ерда Навоий вилоятининг сано-ат маҳсулотлари кўздан кечирилди. Жумладан, оғир ва енгил саноат учун деталлар, ускуналар, компрессорлар, электротехника жиҳозлари, мис ва пластик қувурлар, насос қисмлари на-мойиш этилди. Уларни бирлаштирувчи жиҳат — маҳаллийлаштирилгани.

Президент мамлакатимизда гидро-энергетикани янада ривожлантириш мақсад қилинганини таъкидлаб, кичик ва микроГЭСлар қуриш ҳамда уларнинг компонентларини ишлаб чиқаришда маҳаллий корхоналар иштирокни кенгайтириш бўйича топшириқ берди.

Навоий кон-металлургия комбинати каби йирик корхоналар учун маҳаллий-лаштириш лойиҳаларини қучайтириш орқали вилоятда ишсизликни камайти-риш мумкинлиги кўрсатиб ўтилди.

Сўнг давлатимиз раҳбари Навоий ви-лоятда режалаштирилган янги инвес-

тиция лойиҳалари тақдимоти билан танишди.

Кейинги етти йилда вилоятга 3 мил-лиард 500 миллион доллардан ортиқ инвестициялар жалб этилган. Уларнинг натижасида 64 минг 700 та иш ўрни ва йилгига 1 миллиард 200 миллион дол-ларлик экспорт имконияти яратилган. Бу йил 2 миллиард 100 миллион дол-ларлик 577 та лойиҳа амалга оширил-моқда.

Бу ишлар изчил давом эттирилиб, хорижий инвестор ва маҳаллий тад-биркорлар томонидан умумий қийма-ти 26 миллиард 800 миллион доллар-лик юздан ортиқ стратегик ва йирик лойиҳалар шакллантирилган.

Президентимизга уларнинг 12 таси тақдимот қилинди.

Лойиҳаларга АКШ, Франция, Герма-ния, Австрия, Россия, Бирлашган Араб Амириклиари, Қатар, Хитой, Япония, Жанубий Корея, Туркия каби мамла-катлар компаниялари инвестиция ки-ритмоқда. Бу ташаббуслар кимё, эне-ргетика, тоғ-кон, электротехника, тиббиёт, қурилиш индустрияси, текстиль ва тўки-мачилик каби тармоқларни қамраб олган.

Масалан, Хитой билан ҳамкорликда Кармана туманида юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар тайёрлайдиган лойиҳалар амалга оширилади. Кимё ҳамда қурилиш материалларига иhti-сослаштирилган саноат паркинги таш-кил этиш, шамол генераторлари учун паррақлар ишлаб чиқариш корхонаси шулар сирасига киради.

Шу туманда Россия билан яна бир инвестициявий ташаббус — озиқ-овқат саноати учун алюминий қадоқлар ясаш йўлга қўйилади. Туркия билан ҳамкор-ликда Конимех туманида йилгига 370 минг тонна фосфорит қазиб олиш, қайта ишлаш ҳамда фосфор кислотаси ва минерал ўғитлар ишлаб чиқариш ташкил этилади. Австрия билан эса Навоий шахрида йилгига 170 минг тон-на цианит натрий тузлари ва каустик сода олиш лойиҳаси режалаштирилган.

Мазкур лойиҳалар натижасида 17 минг 800 нафардан ортиқ аҳоли иш билан таъминланади.

Президентимиз ташаббускорларга ташкилий-молиявий масалаларда қўмаклашиб, лойиҳаларни тезлаштириш бўйича кўрсатмалар берди.

Давлатимиз раҳбари "Янги Навоий" шахарчаси қурилиш майдонида бўлиб нурунийлар ва зиёлилар билан суҳбат-лашди.

— Бугун бу ерга Навоий вилоятида-ғи 8 та туман, 3 та шахарнинг эртанги куни қандай бўлади, деган саволга жа-воб топиш учун келдик. Аслида битта рўзгорни тебратишнинг ўзи бўлмайди.

Худого шукр, аҳолимиз 38 миллионга яқинлашяпти. Бунинг учун халқимизга муносиб мустаҳкам замин яратиб бо-ришимиз керак. Бундай янги шахарча-ларни нима учун қуряпмиз? Ёшлари-миз ўсиб келяпти. Улар ўзи тугилиб ўсган жойида ишлаб, яхши яшаши учун ҳамма ҳудудларда шароит яратамиз, — деди Президент.

Лойиҳа учун 1 минг 100 гектар ер Кармана туманидан Навоий шахрига ўтказилган. Биринчи босқичда 450 гек-тар майдонда қурилиш режалашти-рилган.

Шаҳарчада 7 — 22 қаватли уй-жой-лар, 4 минг 170 ўринли умумтаълим мактаблари, 1 минг 620 ўринли боғча-лар, поликлиника барпо этилади. "Янги Ўзбекистон" боғи, Навоий давлат пе-дагогика институтининг янги кампуси ҳам шу ерда бўлади.

Давлатимиз раҳбари Навоий вилоя-тида саноат ривожлангани, лекин хизмат салоҳияти тўлиқ ишга солинма-ганини айтиди. Шу боис шахарчада сайилгоҳ, кўнглиочар масканлар, сав-до дўконлари, овқатланиш шохобчала-ри ташкил этиб, хизматлар ривож-лантирилиши белгиланади.

Шаҳарча қурилиши дирекция томо-нидан мувофиқлаштириб борилади. Ер майдонлари электрон аукционга қўйи-либ, фойиб қурилиш ташкилотлари би-лан инвестиция шартномаси тузилади.

Бугун Навоий шахрида бунёдкорлик жадал. Фаровон — янги ташкил топган маҳаллалардан бири. Бу ердаги 50 дан ортиқ кўп қаватли уйларда 15 минг на-фардан зиёд аҳоли яшайди. Ҳудудда кўпалаб савдо ва хизмат кўрсатиш шо-ҳобчалари, театр ва меҳмонхоналар, боғча ва мактаблар барпо этилган.

Давлатимиз раҳбари шу ердаги 22-умумтаълим мактабда бўлди.

Мамлакатимизда мактаб таълими умуммиллий ҳаракатга айланмоқда. "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида ҳам таълим соҳаси энг биринчи вазифа сифатида белгиланган.

1 минг 800 нафарга яқин ўқувчилар таълим-тарбия олаётган бу муассаса ўтган йили қурилиб, фойдаланишга то-пширилган. Барча синфхоналар, лабо-ратория, компьютер ва хорижий тил хо-налари, спорт зал, футбол майдони, ошхонада замонавий шaroитлар яратилган. Кутубхона 3 мингдан ортиқ китоблар билан таъминланиб, Алишер Навоий номидagi миллий кутубхона ти-зимига ҳам уланган.

Давлатимиз раҳбари томонидан таъ-лим сифатини Президент ва иxtисос-лаштирилган мактабларга яқинлашти-риш вазифаси қўйилган. Шу мақсадда муассасага 104 нафар ўқитувчи били-

ми ва педагогик маҳорати бўйича са-ралаб ишга қабул қилинган. Дарслар ҳам илгор мактаблар дастури асосида олиб боришмоқда.

Ёшларга камида иккита чет тил ва битта замонавий ҳунар ўргатиш жараё-ни бу ерда ҳам изчил амалга оширил-моқда. Бунинг учун мактабда амалий санъат, меҳмонхона хизмати, рассом-чилик, сураткашлик, IT йўналиши, робототехника каби касб-ҳунарлар бўйича ўндан ортиқ тўғараклар ташкил этилган.

Мудофаа вазирлиги билан ҳамкор-ликда "Ватан таянчи" ҳарбий ватанпар-варлик гуруҳи ташкил этилган. Унда Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди каби буюк саркардалар жасорати ҳақида мулоқотлар бўлади. Ватанпар-варлик тадбирлари, спорт мусобақала-ри тез-тез ўтказилади.

— Илмий бўлиш, касб-ҳунар эгаллаш яхши. Қалбнингизда ватанпарварлик куч-ли бўлса, шижоатингиз янада баланд бўлади, — деди Президент.

Мактабда "Иқтидор" клуби ҳам таш-кил этилган. Унда ижодкор ўқувчилар мусика, театр ва санъат йўналишлари-да турли машғулотларда иштирок этади. Президентимиз мактаб фаолияти би-лан танишиб, ўқитувчи ва ўқувчилар би-лан суҳбатлашди.

— Меннинг энг катта ташвишим, мақ-садим — ёшлар тарбияси. Биз олган марралар учун билимий авлод керак. Бунинг учун ҳамма шарoитларни яратишга ҳаракат қияпмиз. Сизлар эса вақтнинг қадрига етиб, бор имконият-ни ишга солиб, ўқилингангиз керак. Ол-ган билимингиз, ўрганган касб-ҳунарин-гиз келажақда сизларга қанoт бўлади, — деди Президент болаларга.

Таълим даргоҳида "хавфсиз мактаб" тизими ишлайди. Бунинг учун муасса-сага кириш-чиқишда "Face ID" дастури қўйилган. Шунингдек, қуёш панеллари ўрнатилган.

Президент Шавкат Мирзиёев Навоий вилоятининг Навбаҳор тумани-даги политехникумда ҳам бўлди.

Мамлакатимизда энг асосий маса-лалардан бири — бандлик. Аҳолига талаб юқори касблари ўргатиш мақ-садида техникумлар тармоғи ри-вожлантирилмоқда.

Бугунги кунда Навоий вилоятида 25 та профессионал таълим муассаса-си бор. Уларда 12 минг фуқаро ўқимоқ-да. Уларга малакали педагоглар, 234 нафар ишлаб чиқариш устаси би-риктирилган.

2-сон политехникумда 41 та ўқув ва лаборатория хонаси, 350 ўринли фаоллар ва спорт заллари, 100 ўринли ётоқхона ва ошхона мавжуд. Мактаб би-

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Икром АБВАЛБЕКОВ,
Абдували БЎРИЕВ,
Ўза мухбирлари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ

ҚАРОРИ

БИР МАНДАТЛИ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИГА ДЕПУТАТЛАР САЙЛОВИНИНГ

НАТИЖАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бир мандатли сайлов округлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига 2024 йил 27 октябрда ўтказилган депутатлар сайлови юзасидан Қорақалпоғистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ва ҳудудий сайлов комиссияларининг сайлов натижаларини аниқлаш тўғрисидаги баённомаларига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 14, 16, 73, 96 ва 97-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. 2024 йил 27 октябрда ўтказилган бир мандатли сайлов округлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайлови ўтган ва ҳақиқий деб топилсин.
2. Бир мандатли сайлов округлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайланган 75 нафар депутат иловага мувофиқ рўйхатга олинсин.
3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида ва бошқа манбаларда эълон қилинсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг рўйхатга олинган депутатларига белгиланган тартибда гувоҳнома ва кўкрак нишонлари берилсин.
5. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Раисининг ўринбосари Б. Кучкаров зиммасига юклансин.
- Марказий сайлов комиссияси Раиси
3. НИЗАМХОДЖАЕВ
- 2024 йил 31 октябрь.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
2024 йил 31 октябрдаги 1413-сон қарорига илова


Бир мандатли сайлов округлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси

Қонунчилик палатасига сайланган депутатлар

РЎЙХАТИ

т/р	Сайлов округининг тартиб рақами ва номи	Фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили	Депутатнинг номзодини кўрсатган сиёсий партиянинг номи
Қорақалпоғистон Республикаси				
1.	1-Қорақалпоғистон Республикаси сайлов округи	Утемуратова Сапаргул Шамшетовна	1977	Ўзбекистон Экологик партияси
2.	2-Қорақалпоғистон Республикаси сайлов округи	Мамутов Равшан Аминаддинович	1973	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
3.	3-Қорақалпоғистон Республикаси сайлов округи	Халмуратова Гулжан Пиржановна	1969	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
4.	4-Қорақалпоғистон Республикаси сайлов округи	Алдамуратов Бахытбай Умирзакович	1970	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
Андижон вилояти				
5.	5-Андижон вилояти сайлов округи	Азимов Сайдулло Неъматиллаевич	1985	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
6.	6-Андижон вилояти сайлов округи	Адхамжоновна Мавлудахон Хамзаевна	1974	Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси
7.	7-Андижон вилояти сайлов округи	Отахонова Одинахон Иномовна	1974	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
8.	8-Андижон вилояти сайлов округи	Акбаров Азизбек Абдусаттарович	1986	Ўзбекистон Экологик партияси
9.	9-Андижон вилояти сайлов округи	Юсупов Наврузбек Муқимжонович	1982	Ўзбекистон Экологик партияси
10.	10-Андижон вилояти сайлов округи	Маниязов Бахтияр Камилевич	1972	Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси
11.	11-Андижон вилояти сайлов округи	Юлдашев Ойбек Баходир ўғли	1990	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
Бухоро вилояти				
12.	12-Бухоро вилояти сайлов округи	Баратова Мадина Хасановна	1986	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
13.	13-Бухоро вилояти сайлов округи	Жабборов Нуриддин Муҳиддинович	1979	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
14.	14-Бухоро вилояти сайлов округи	Ширинов Джохонгир Джаббарович	1982	Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси
15.	15-Бухоро вилояти сайлов округи	Мухаммадов Махсуд Муродович	1964	Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси
Жиззах вилояти				
16.	16-Жиззах вилояти сайлов округи	Мухторова Назира Абдусаттаровна	1966	Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси
17.	17-Жиззах вилояти сайлов округи	Сиддиқов Рискул Эргашбоевич	1976	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
18.	18-Жиззах вилояти сайлов округи	Уразалиева Мукадас Уктамовна	1974	Ўзбекистон Халқ демократик партияси
Навоий вилояти				
19.	19-Навоий вилояти сайлов округи	Аминова Азиза Марксовна	1972	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
20.	20-Навоий вилояти сайлов округи	Наризова Иба Қушжановна	1961	Ўзбекистон Халқ демократик партияси
21.	21-Навоий вилояти сайлов округи	Тожиев Қозимжон Ўктамович	1984	Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси
Наманган вилояти				
22.	22-Наманган вилояти сайлов округи	Султонов Нуриддин Абдухамидович	1982	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
23.	23-Наманган вилояти сайлов округи	Темиров Анвархон Абдулазизхонович	1989	Ўзбекистон Халқ демократик партияси
24.	24-Наманган вилояти сайлов округи	Гаппоров Хайрилло Лутпиллаевич	1971	Ўзбекистон Экологик партияси
25.	25-Наманган вилояти сайлов округи	Худайбердиев Зафар Рахимович	1968	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
26.	26-Наманган вилояти сайлов округи	Артиков Дилмурод Рахматиллаевич	1988	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
27.	27-Наманган вилояти сайлов округи	Рахманов Маруфжон Махмуджонович	1982	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
Самарқанд вилояти				
28.	28-Самарқанд вилояти сайлов округи	Рахманова Зебинисо Пулатовна	1969	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
29.	29-Самарқанд вилояти сайлов округи	Пардаев Азамат Кенжабоевич	1973	Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси
30.	30-Самарқанд вилояти сайлов округи	Эшмураев Бекмирза Хошимович	1989	Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси
31.	31-Самарқанд вилояти сайлов округи	Шадманов Адхам Хурсанбаевич	1965	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
32.	32-Самарқанд вилояти сайлов округи	Шодиев Жасурбек Мамарайимович	1984	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
33.	33-Самарқанд вилояти сайлов округи	Тухташев Шерзод Азимович	1979	Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси
34.	34-Самарқанд вилояти сайлов округи	Аслонов Абдулло Убайдуллоевич	1984	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
35.	35-Самарқанд вилояти сайлов округи	Холмухамедов Мухсинжон Муродуллаевич	1981	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
Сирдарё вилояти				
36.	36-Сирдарё вилояти сайлов округи	Қулматов Шерзод Дуستمуратович	1981	Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси
37.	37-Сирдарё вилояти сайлов округи	Олимова Гавхар Дусбековна	1961	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси

т/р	Сайлов округининг тартиб рақами ва номи	Фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили	Депутатнинг номзодини кўрсатган сиёсий партиянинг номи
Сурхондарё вилояти				
38.	38-Сурхондарё вилояти сайлов округи	Мавлонов Зухриддин Эркинович	1984	Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси
39.	39-Сурхондарё вилояти сайлов округи	Астанақулова Раъно Хурсановна	1965	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
40.	40-Сурхондарё вилояти сайлов округи	Раджабова Шоира Нурматовна	1973	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
41.	41-Сурхондарё вилояти сайлов округи	Эшбоев Абдулҳаким Тўлаганович	1967	Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси
42.	42-Сурхондарё вилояти сайлов округи	Шарипов Фирдавс Холназарович	1983	Ўзбекистон Халқ демократик партияси
43.	43-Сурхондарё вилояти сайлов округи	Самиева Гузал Муҳитдиновна	1977	Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси
Тошкент вилояти				
44.	44-Тошкент вилояти сайлов округи	Пак Виктор Николаевич	1958	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
45.	45-Тошкент вилояти сайлов округи	Касимова Кизилгул Эрматовна	1963	Ўзбекистон Халқ демократик партияси
46.	46-Тошкент вилояти сайлов округи	Буриев Абдуманноп Абдурахматович	1986	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
47.	47-Тошкент вилояти сайлов округи	Ходжаева Мохира Мирзахмадовна	1966	Ўзбекистон Экологик партияси
48.	48-Тошкент вилояти сайлов округи	Халбаева Дилрабо Джурабековна	1979	Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси
49.	49-Тошкент вилояти сайлов округи	Миргазиева Зухра Тураевна	1978	Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси
50.	50-Тошкент вилояти сайлов округи	Тожиев Одилжон Фотиҳжон ўғли	1984	Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси
Фарғона вилояти				
51.	51-Фарғона вилояти сайлов округи	Ходжаева Мавлудахон Исламовна	1962	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
52.	52-Фарғона вилояти сайлов округи	Валиев Муҳаммад Шералиевич	1986	Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси
53.	53-Фарғона вилояти сайлов округи	Ибрагимова Мавлуда Кахрамоновна	1967	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
54.	54-Фарғона вилояти сайлов округи	Зоҳидов Зокиржон Тухтасинвич	1962	Ўзбекистон Халқ демократик партияси
55.	55-Фарғона вилояти сайлов округи	Шўкуров Раҳматилло Мирзатиллаевич	1975	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
56.	56-Фарғона вилояти сайлов округи	Тилаволдиев Нодир Хошимович	1979	Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси
57.	57-Фарғона вилояти сайлов округи	Юнусов Зиёдбек Алишерович	1988	Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси
58.	58-Фарғона вилояти сайлов округи	Мирзаалиев Икболжон Мирзакаримович	1967	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
Хоразм вилояти				
59.	59-Хоразм вилояти сайлов округи	Бердиева Барно Саитназаровна	1974	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
60.	60-Хоразм вилояти сайлов округи	Сабиров Руслан Жуманазарович	1989	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
61.	61-Хоразм вилояти сайлов округи	Палванов Таҳир Марксович	1975	Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси
62.	62-Хоразм вилояти сайлов округи	Отамуратов Ойбек Бахтиёрвич	1980	Ўзбекистон Экологик партияси
Қашқадарё вилояти				
63.	63-Қашқадарё вилояти сайлов округи	Бекмуродов Бобур Мансурович	1985	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
64.	64-Қашқадарё вилояти сайлов округи	Назаров Шарофиддин Ҳакимович	1960	Ўзбекистон Халқ демократик партияси
65.	65-Қашқадарё вилояти сайлов округи	Худоярова Гулшана Бердиназаровна	1972	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
66.	66-Қашқадарё вилояти сайлов округи	Зайниев Фарход Нуриддинович	1981	Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси
67.	67-Қашқадарё вилояти сайлов округи	Ҳайитов Эркин Шаймардонович	1978	Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси
68.	68-Қашқадарё вилояти сайлов округи	Ёкубов Туйчи Абдурахмонович	1981	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
69.	69-Қашқадарё вилояти сайлов округи	Холмаҳаматова Шахноза Бахтиёр қизи	1990	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
Тошкент шаҳар				
70.	70-Тошкент шаҳар сайлов округи	Агзамова Гулрух Анваровна	1968	Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси
71.	71-Тошкент шаҳар сайлов округи	Аҳмедов Дурбек Қудратиллаевич	1963	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
72.	72-Тошкент шаҳар сайлов округи	Абдуллаева Ойдин Утамурадовна	1976	Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси
73.	73-Тошкент шаҳар сайлов округи	Захидов Эркин Агзамович	1955	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
74.	74-Тошкент шаҳар сайлов округи	Жумаев Нодир Хосиятович	1976	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
75.	75-Тошкент шаҳар сайлов округи	Фазилов Равшан Абдулҳаевич	1961	Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси



айни чоғда барқарор ривожланиш.
“яшил” иқтисодиёт, рақамлашти-
риш ва соғлиқни сақлаш билан
боғлиқ долзарб масалаларга ечим
топишда ўзига хос аҳамият касб эт-
моқда.